

## «Пешқадам карвони» лойиҳаси доирасида «Ўтмиш, бугун ва келажак» сарҳисоб тадбири ўтказилди



21:26 / 05.06.2024 1562

2 июн куни Тошкентда «Пешқадам карвони» лойиҳаси доирасида «Ўтмиш, бугун ва келажак» сарҳисоб тадбири бўлиб ўтди. Тадбирда устозлар, ёзувчилар, матбуот ходимлари, лойиҳа аъзолари ва бошқа меҳмонлар иштирок этишди.

**Анжуман Қуръони Карим тиловати билан бошланиб, сўнгра хайрли дуолар қилинди.**

Кейин ушбу лойиҳа билан танишув видеоролиги тақдим этилди.

Фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳнинг илмий меросини юртимиз бўйлаб ва бутун дунёдаги ўзбекзабон муслмонларга тарқатишни мақсад қилган **«Пешқадам карвони»** лойиҳаси 2 йил аввал [Muslimaat.uz](http://Muslimaat.uz) сайти, **Bintu Sodik** ижтимоий-маърифий канали раҳбари **Одинахон Муҳаммад Содиқ** томонидан йўлга қўйилган.

Беш йўналишда иш олиб бораётган лойиҳада барча иштирок этиши мумкин. Йўналишлар китобхонликни тарғиб қилиш, турли соҳаларда хотин-қизлар фаоллигини ошириш, **шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф** ҳазратларининг асарлари юзасидан илмий ишлар ёзишни қамраб олган.

Тадбирнинг асосий қисмида китобхонликни тарғиб қилиш йўналишидаги ишлар сарҳисоб қилиниб, ташриф буюрган устоз ва азиз меҳмонларнинг лойиҳа ҳақидаги нутқлари тингланди.

Республиканинг турли ҳудудларидаги лойиҳа билан ҳамкорликда очилган кутубхоналарда йил давомида 25 та китобхонлик марафонлари ўтказилди.

Йил давомида эълон қилинган **«Кутубхонангиз билан ўрнатилган бўлинг»**, **«Китобхонлик тадбири ташкил этиш»** танловлари ҳамда **«Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳ китобларида Рамазон ойи фазилатлари ва рўзага доир масалаларнинг ёритилиш таҳлили»** мавзусидаги мақолалар танлови ғолиблари, самарали фаолият олиб борган аъзолар, лойиҳанинг энг фаол ходимлари тақдирланди.